

кўз, яъни бировнинг кўзини кўр қилгандан унинг ҳам кўзини кўр қилиш ила қасос олинади. Бурун, қулоқ, тиш ва бошқа аъзолар, шунингдек, етган жароҳатлар учун ҳам шунга ўхшатиб қасос олинади.

Ушбу ҳукм Ислом шариатида ҳам ўзгартирилмасдан, қабул қилинган.

«Ким у(қасос)ни садақа қилиб юборса, бу унга каффоротдир».

Яъни, гуноҳларининг кечирилишига сабабдир.

«Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, бас, ана ўшалар золимлардир».

Кейинги оятда эса Тавротдан кейин келган пайғамбар ва китоб ҳақида сўз кетади:

﴿الْمُتَّقِينَ وَمَوْعِظَةً وَهُدًى التَّوْرَةَ مِنْ يَدَيْهِ بَيْنَ لَمَّا وَمُصَدِّقًا وَنُورًا هُدًى فِيهِ الْإِنْجِيلَ وَأَتَيْنَاهُ التَّوْرَةَ مِنْ يَدَيْهِ بَيْنَ لَمَّا مُصَدِّقًا مَرِّمَ ابْنِ عِيسَى ءَأَثَرِهِمْ عَلَىٰ وَقَفَيْنَا

«Изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга ичида ҳидоят ва нур бўлган Инжилни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи ҳамда тақводорлар учун ҳидоят ва мавъиза қилиб бердик» (Моида сураси, 46-оят).

Яъни, «Яхудийларнинг пайғамбарлари изидан Ийсо ибн Марямни пайғамбар қилиб юбордик», – дейди Аллоҳ таоло. Ийсо ибн Марям алайҳиссалом ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлиб келганлар. Аллоҳ таоло у зотга Инжил китобини берган.

«...ичида ҳидоят ва нур бўлган...»

Инжилда ҳам кишиларга тўғри йўлни кўрсатувчи ҳидоят ва уларга икки дунё саодат йўлларини ёритувчи нур бор.

«...ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи...»

Яъни, Инжил Таврот орқали жорий бўлган шариатга баъзи ўзгаришлар киритган, холос. Шу билан бирга:

«...тақводорлар учун ҳидоят ва мавъиза қилиб бердик...»

Ҳа, илоҳий китоблардаги ҳидоятдан манфаат топиш учун тақволи бўлиш керак. Бу китоблардаги ҳидоят ва нурнинг фойдаси тақвоси борларга тегади. Тақводан холи, ғафлат босган қалбларга эса бу нур ва ҳидоят

кириб бормайди. Аллоҳ нозил қилган китобда ҳидоят мавжудлиги аниқ, нур мавжудлиги аниқ, энди ўша ҳидоят ва нурдан манфаат топиш учун очиқ – ҳассос қалб керак, таъсирчан қалб керак. Моғор босиб, тошга, кесакка айланган қалб керак эмас.

﴿الْفَسِقُونَ هُمْ فَأُولَٰئِكَ اللَّهُ أَنْزَلَ بِمَا يَحْكُمُ لَهُمْ مِنْ فِيهِ اللَّهُ أَنْزَلَ بِمَا الْإِنْجِيلَ أَهْلٌ وَيَحْكُمُ﴾

«Инжил аҳли унда Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритсинлар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, бас, ана ўшалар фосиқлардир» (Моида сураси, 47-оят).

Демак, Инжилга эътиқод қилган насоролар ҳам унда Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар остида, ўша ҳукмларни жорий қилган ҳолда яшамоқлари керак бўлган. Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юритиш умумий ҳол бўлган. Таврот аҳли ундаги ҳукмлар остида, Инжил аҳли ҳам ундаги ҳукмлар остида яшамоқлари матлуб бўлган. Қуръон тушиб бўлганидан кейин эса ҳамма бараварига Қуръоннинг аҳкомлари остида яшаши вожибга айланган.

Аллоҳ таолонинг талаби шу:

«Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, бас, ана ўшалар фосиқлардир».

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди